

wi-fi тарқатувидан фойдаланиш

12:40 / 29.06.2019 2237

Ассалому алайкум! Хурматли устозлар, сартарошхонамизга мижозларимиз навбат кутиб ўтиришлари учун wi-fi тарқатиб қўймоқчи эдик. Бир биродар билан шу ҳақида ўйлаб қолдик агар биз тарқатаётган wi-fi дан мижозларимиз нотўғри мақсадда фойдаланишса (мисол учун шариъат рухсат бермаган материалларни кўчиришса: фахш ва зинога тарғиб қилувчи видеоларни) биз ҳам бу ишга сабабчи бўлиб қолмаймизми? Жавобингиз учун раҳмат. Аллоҳ яхшилик билан мукофотласин.

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

- Ва алайкум ассалом! Агар очиқ-ойдин фахш нарсаларни кўришаётганини билиб туриб индамасангизлар гуноҳига шерик бўласизлар. Бирор мутахассис топиб шундай жойларга кирмайдиган қилиб қўйинглар. Валлоҳу аълам!